

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1059-ҳадис

1059 - وَعَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَثَلُ الصَّلَاةِ الْخَمْسِ كَمَثَلِ تَهْرِجِ جَارٍ غَمْرٍ عَلَى بَابٍ أَحَدِكُمْ يَغْتَسِلُ مِنْهُ كُلَّ يَوْمٍ خَمْسَ مَرَّاتٍ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [668].

«الْغَمْرُ» يَفْتَحُ الْغَيْنِ الْمُعْجَمَةَ: الْكَثِيرُ.

1059. Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Беш маҳал намоз худди бирингизнинг эшиги олдида тўлибтошиб оқадиган, у эса унда ҳар куни беш маҳал ювинадиган анҳорга ўхшайди», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳасан: «У ҳеч қандай кир қолдирмайди-ку», деди.

Пайғамбаримиз ҳар иккала ҳадисда намозни ҳозирги кундаги услуб билан айтганда «кўрсатиб бериш» орқали тушинтирганлар. Чунки бу инсонларнинг бир мавзуни тушинишида энг самарали услуб бўлиб ҳисобланади. Шунингдек бу ердаги ўхшатишни тафаккур қилган кимса, кунда беш вақт анҳорда ювинган кимсанинг устида ҳеч қандай кир қолмаслигини тушинишда қийинчиликка дучор бўлмайди. Чунки инсон устида кўрилган ва ҳис қилинган кирни сув билан ювиш орқали тозалайди. Пайғамбаримиз ҳаммага ошкор бўлган бу ҳақиқатдан йўлга чиққан ҳолда намознинг ҳам инсонни маънавий кир бўлиб ҳисобланган гуноҳлар ва хатолардан тозалашини изоҳлаган. Фақат намоз ўқишдагина эмас, балки таҳорат олинганда ҳам моддий кирлардан тозаланган бўлиб ҳисобланади. Бу ифодалар мутлақ тарзда айtilгани учун кичик ва катта гуноҳларни ўз ичига

олади. Ҳадис шарҳловчи олимларнинг энг машҳури бўлган Ибн Баттол Расули Акрамнинг ифодаларида фақат кичик гуноҳлар қасд қилинганини баён қилади. Чунки у зот «кир» сўзини ишлатганлар. Инсоннинг баданидаги яра-чақаларнинг олдида кир жуда ҳам кичик нарсадир. Катта гуноҳлар эса яра-чақа сингаридир. Фақат бу ерда муҳим бир хусус борки, инсон намоз ўқиш билангина катта гуноҳлардан узоқ туриши мумкин. Чунки мавзунинг бошида зикр қилинган оят ҳақиқий намознинг инсонни ҳар қандай ёмонлик ва хатодан узоқ тутишини баён қилмоқда. Беш вақт намоз ўқимаган кимса буюк гуноҳлардан узоқ бўлмайди. Чунки намозни адо қилмасликнинг ўзи буюк гуноҳ ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда кунда беш маҳал намоз ўқиб Аллоҳнинг ҳузурига чиққан кимсанинг ҳар доим Ўзини Аллоҳнинг ҳузурида тургандек ҳис қилиши кутилади. Бундай кимса гуноҳ қилмайди. Билмасдан қилган гуноҳ ва хатоларига эса таҳорати каффорот бўлади.

Манба: hadis.islom.uz

